



Раис иш ҳақиға
устама қўшилса...

2-с.

Хорижда ишлаш учун
таклифлар бор, аммо ишлайдиган
мутахассис етишмайди

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
19 ФЕВРАЛЬ,
ЧОРШАНБА

Maʼhalla

№13
(2237)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Маҳаллаларда “Рақамли авлод” лабораториялари очилади



Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси ва “Digital
Generation Uzbekistan”
нодавлат нотижорат
муассасаси
ўртасида ҳамкорлик
меморандуми
имзоланди.

Хужжат ёшларни илмга
чорлаш, ахборот технологиялари
соҳасида хотин-қизлар фаолли-
гини янада ошириш, бандликни
таъминлаш, тадбиркорликни
ривожлантириш, камбағалликни
қисқартириш бўйича лойиҳаларни
биргаликда амалга оширишни
назарда тутди.

Уюшма раиси Қаҳрамон
Қуронбоев мазкур таълим муас-
сасаси фаолияти билан яқиндан
танишиди. Ёш дастурчилар, тех-
нологлар билан мулоқот қил-
ди. Мулоқот давомида “Digital

Generation Uzbekistan”нинг
келгуси ривожланиш стратегия-
си хусусида маълумот берилди.
Муассасада, айниқса, инклюзив
лаборатория фаолияти диққатга
сазовор. Бу ерда эшитиш қобилия-
ти заиф болалар, мактаб-интернат
ўқувчилари учун робототехника
ва рақамли дизайн дарслари таш-
кил этилган.

Ташриф давомида тузилма
билан “Рақамли авлод” ўқув-
тадқиқот лабораторияларини
мамлакатимизнинг 14 та ҳудудда
ташкил этишга келишиб олинди.

БУГУНГИ СОНДА:

Ҳар бир раис ислоҳотни, ўзгаришни ўзидан бошлаши керак!

“Хонадонларни обод
бўлиши ҳақида маслаҳат
беришдан аввал, ўзим
амалда кўрсатмасам, ким
менга эргашади?! Ёки ўйил
уйлаб, қиз чикарганда
ортиқча дабдабага йўл
қўйсам, қайси маҳалладо-
шимга бундай қилиш ке-
рак эмас, дея оламан?! Шу
боис ислоҳотни, ўзгаришни
ўзимдан бошлаганман”.

2-с.

Камбағал оилаларга фоиизсиз ссуда ажратилади

Маҳаллаларнинг ихтисосла-
шуви ва “драйвер” йўна-
лишларидан келиб чиқиб,
камбағал оилаларга тадбир-
корлик ҳамда деҳқончилик
билан шуғулланиши учун
грант ва фоиизсиз ссудалар
ажратилади.

2026 йил 1 январдан
аҳолига нақд пул шаклида
бериладиган молиявий
ёрдамлар босқичма-босқич
ижтимоий карта орқали
ажратилади.

6-с.

Эшонларга қандай ҳурмат кўрсатамиз?

– Пайғамбар авлодлари
“сайид” дейилади. Сайид
– ўзбек тилида хўжа, улуғ,
мустақил, ҳукмдор, жаноб
маъноларида келади (“Ўзбек
тилининг изоҳли луғати”
3-жуз). “Эшон” форс, тожик
тилларидан олинган бўлиб,
“улар” маъносида келади.
Айрим ўзбеклар орасида
хўжалар – тўралар ҳам дей-
илади. Сайидлар, хўжалар
ва эшонларга пайғамбар
авлодлари сифатида қараш
одат бўлган.

8-с.

1 024 ТА МАҲАЛЛА ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТАДИ

ЖАРАЁН

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-
муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида
амалга оширишга оид давлат дастури
тўғрисида”ги Президент фармониға асосан,
100 та бандни ўз ичига олган Амалий
тадбирлар режаси тасдиқланган.

Амалий тадбирлар
режасига кўра, энг оғир
аҳволдаги 1 024 та маҳалла-
нинг инфратузилмасини яхши-
лаш дастури амалга оширилади.
Танлаб олинган маҳаллаларда
туман (шаҳар) ҳокимлиги, фуқа-
ролар йиғини билан камбағал-
ликни қисқартиришга қаратил-
ган уч томонлама шартнома
тузилади. Йиғинларнинг электр
энергияси, сув, газ, сўғориш ти-
зими, интернет, ички йўллар ва
бошқа масалалар билан боғлиқ
муаммолари ҳал этилади.



Бандликка кўмаклашиш
борасида 430 минг нафар
аҳоли бўш (вакант) ва янги иш
ўринларига жойлаштирилади.
Касбий кўникмаға эға бўлмаган
220 минг нафар банд бўлма-
ган ва камбағал оила аъзолари
касб-хунар, хорижий тиллар ва
тадбиркорлик кўникмаларига
ўқитилади. Ўқишни тамомла-

ганларға ишға жойлашиш ва
тадбиркорлик фаолиятини
бошлашда кўмаклашилади.
Оммавий спорт мусобақа-
лари қамрови 12 миллион
нафарға етказилади. “Беш
ташаббус олимпиадаси” ривож-
лантирилади, оммавий спорт
мусобақаларига маҳалла ёшлар-
и, ўқувчи-талабалар, давлат

ташкilotлари ходимлари ҳамда
31-45 ёшдаги аҳоли вакиллари
жалб этилади. Аҳолининг 11 та
ёш тоифаси бўйича ҳар йили
жисмоний тайёргарлик синав-
лари ўтказилади. 378 та маҳал-
лада спорт майдончалари бунёд
этилади.

Амалий тадбирлар
режасига асосан,
ҳудудий ижтимоий-иқти-
содий ривожланиш
дастурлари лойиҳаларини
маҳаллалар билан кели-
шиш амалиёти жорий
қилинади.

Дастурлар лойиҳа-
ларини ишлаб
чиқишда “Ташаббусли
бюджет” тизимидан
фойдаланиш кўла-
ми кенгайтирила-
ди. Хусусан, аҳоли
ташаббуси билан
инфратузилмани
яхшилашға ажрати-
ладиган маблағлар
йилиға 24 триллион
сўмға етказилади.



МАҚСАД


9 452 та маҳаллада 32 миллион туп кўчат ўтқазилади

2025 йилги
давлат
дастуриға
кўра, баҳор-куз
мавсумларида
республикадаги
барча
маҳаллаларда
32 миллион
425 минг тупға
яқин кўчат
экилади.

Жорий йилда 9 452 та маҳал-
лада “Яшил макон” умуммиллий
лойиҳаси доирасида белгилан-
ган режа асосида кўчатлар ерга
қадалади. Бу жараёнда камбағал
оилалар хонадонига 20 тупдан,
якка-ёлғиз кексалар хонадони-
ға 10 тупдан кўчат ўтқазилади.
“Маҳалла еттилиги” аъзолари
10 тупдан, кўчабоши ва уйбоши-
лар 20 тупдан, мавжуд “Маҳал-
ла боғлари”ға 50 тупдан, янги
“маҳалла боғлари”ға 500 тупдан
кўчат экилади. “Маҳалла сервис
компанияси” ташкил этилган
маҳаллаларда 1 гектар майдонға
1 000 тупдан, тарғибот асосида
4 тупдан ниҳол қадалади.

Шунингдек, 2025 йил баҳор
мавсумида барча маҳаллаларда
райхон (хонадонға – 20 туп, ички
кўчаға – 1 000 тупдан), гултожи
(10/500 тупдан), атиргул (5/200
тупдан) гул ва қаламчалар, терак
ва манзарали дарахтлар (50 туп-
дан) экилади.





Президент Шавкат Мирзиёев Кувайт Амири Шайх Мишъал ас-Сабоҳнинг таклифига биноан РАСМІЙ ТАШРИФ билан ушбу мамлакатга ташриф буюрди.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ билан Ёшлар тadbиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасы ташкил этилди.



Олий Мажлис Сенатининг ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ 2025 йил 20 февраль куни қақирилади.

ТАЖРИБА

Маҳалла раислиги лавозим, мансаб, қандайдир ваколат манбаи эмас, биринчи навбатда, масъулият, шахсий намунадир. Вазифам тақозоси билан ҳар куни турли муаммо, ташвиш ва тақлифлар билдирилган ҳолатларга дуч келаман. Барчасини аҳоли билан бирга амалга ошириш керак. Яъни, одамларни ўша вазифани бажаришга ундай олиш, уларни ортидан эргаштириш талаб қилинади.



ҲАР БИР РАИС
ИСЛОҲОТНИ,
ЎЗГАРИШНИ ЎЗИДАН
БОШЛАШИ КЕРАК!

Қодиржон ДАДАЖОНОВ,
Фарғона туманидаги
“Бўстон” маҳалласи раиси.

Бунинг учун маънавий ҳаққим бўлиши керак. Масалан, хонадонларни обод бўлиши ҳақида маслаҳат беришдан аввал, ўзим амалда кўрсатмасам, ким менга эргашади?! Ёки ўғил уйлаб, қиз чиқарганда ортиқча дабдабага йўл қўйсам, қайси маҳалладошимга бундай қилиш керак эмас, дея оламан?! Шу боис ислохотни, ўзгаришни ўзимдан бошлаганман. Ҳар соҳада намуна бўлишга интиламан.

Тўй-маросимлар исрофгарчиликсиз, ихчам ўтказилишини таъминлаш борасида илғор тажриба яратиб, аҳоли ишончига

кира олдик. Ҳар қандай масалада фуқаролар, аввало, “еттилик” билан маслаҳатлашишга одатланган. Маҳалла фаоллари иштирокида тарғибот тadbирлари, тўй олди суҳбатлар ўтказамиз. Бундан ташқари, жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида обрўли фуқаролар — ҳожии ота, ҳожии оналар, кўчабошилардан иборат жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Ҳар ойда 7 та кўчада белгиланган режа ижроси юзасидан йиғилиш ўтказамиз. Масалан, 2024 йил давомида 12 та ойлик тарғибот тadbири натижа-си, 4 та чораклик ҳисобот тингланди. Миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тadbир давомидаги ва ундан кейинги

қўшимча расм-русум (“келин навқари”, “чорлар”, “ота кўрди”, “сеп ёйди”, “қуда қақирди”, “куёв қақирди”, “келин қақирди”, “тоғора юбориш”, “пул сочиш” ва ҳоказо)ларни ўтказиш тўхтатилди. Дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортиқча тadbир (“етти”, “пайшан-балик”, “йигирма”, “қирқ”, “йил оши”, “пул тарқатиш”, “матой улашиш” ва ҳоказо)ларга чек қўйилди.

Уларни дабдабасиз ўтказиш эъзасига маҳаллада кам таъминланган, яқка-ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш анъана айланди. Мисол учун, Абдуносир Аҳмедов 20 кун аввал фарзандининг суннат тўйини шу тарзда камхарж ўтказиб, ортган маблағга эҳтиёжманд Лолахон Ражабовага моддий ёрдам кўрсатди. Хонадо-

Малина етиштиришда бой тажриба тўплаганмиз. Шу боис 561 та хонадоннинг 410 тасида малина парваришланади.

Қисқа қилиб айтганда, “еттилик” билан ҳамкорликда иш ташкил этилаётгани аксарият масалаларга шу ерда ечим топишга имкон берапти.

Миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тadbир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумлар ўтказиш тўхтатилди.

нини таъмирлаб берапти. Бундан ташқари, 3 та камбағал оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди. Ахтамжон Мирзамаҳмудов, Содиржон Раҳимов, Саодатхон Қўшоқова каби нурунийларга 15 та эҳтиёжмад оила бириктириб берилди.

Кези келганда, 2 783 нафар аҳоли яшайдиган маҳалла “драй-вери” — деҳқончиликни ривожлантириш орқали оилалар даромади ошири-лаётгани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Айниқса, малина етиштиришда бой тажриба тўплаганмиз. Савдо учун мавсумий бозор ташкил қилинган. 561 та хонадоннинг 410 тасида малина парваришланади. Баҳромжон Ўсмонов — уста томорқачи. У ўттиз сотихли томорқасининг йигирма сотихида узок йиллардан буюн малина етиштириб келади. Бундан ташқари, помидор, сабзи, картошка экади. Ҳосилга кирган нок, олма, ўрик, гилос, ёнғоқ каби мева-ли дарахтлар хонадон соҳибининг қанчалик миришкор эканини кўрсатиб турибди. Кейинги йилларда малинадан йилига ўртача 70-80 миллион сўм даромад оляпти. Эътиборлиси, бу ерда оиланинг барча аъзоларининг бандлиги таъминланган.

МИНБАР

Раис иш ҳақида устама қўшилса...

Бугун маҳалла тизимида катта ўзгаришларга гувоҳ бўляпмиз. Лекин ютуқлар билан бирга, амалга оширилаётган вазифалар ҳам йўқ эмас. Суҳбатдошларимиз — маҳалла раислари ана шу каби масалалар юзасидан тақлиф билдиришди.



Хўжайли туманидаги “Бунёдкор” маҳалласи раиси Дуйсенбай Жуманиёзовнинг маълум қилишича, ҳудудда 35 та кўча бўлиб, 4 700 нафардан ортиқ аҳоли яшайди.

— Гувоҳ бўлганингиздек, ҳам ҳудудий, ҳам сон жиҳатидан қатта маҳалла ҳисобланамиз, — дейди Д.Жуманиёзов. — Аввал фуқаролар билан ишлаш, хонадонма-хонадон ўрганиш олиб бориш қийин кечарди. “Маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилиб, муаммоларнинг қўйи тизимда ҳал этила бошлагани соҳа нуфузини оширди.

Шу ўринда бир фикрни илгари сурмоқчиман. “Еттилик” фао-

лиятини маҳалла раиси мувофиқлаштиради. Лекин негадир ходимлар орасида ойлик маошимиз нисбатан кам. Шу боис ҳар ойлик устама қўшиб берилса, натижа бундан-да, юқори бўларди.

Яна бир тақлифим, меҳнат таътилига чиққанда, моддий ёрдам ажратилишининг аниқ манбасини яратиш лозим. Чунки, ҳозирги кунда маҳалла раисларига моддий ёрдам ажратилмаяпти.

Сўнги тақлифим, ҳудуд инфра-тузилмаси билан боғлиқ, Ал-Фаробий кўчаси ва Устюрт кўчасидан Кун нури кўчасигача масофадаги ички йўл таъмирланса, аҳоли учун янада қулайлик яратилади.

“Жамоат мулки”ни аҳолининг ўзи яратса...

Янги Наманган туманидаги “Бунёдкор” маҳалласи раиси Жобирхон Алихонов ўтган сонимизда чоп этилган “Жамоат мулки”ни ким асраб-авайлайди?” сарлавҳали мақола бўйича ўз тақлифини юборди.

— Мақолада қайд этилганидек, кўп инсонларда жамоат мулкини сақлаш иммуни-тети шакланмаган, — дейди Ж.Алихонов. — Текиннинг қадри йўқ. Қанчадан-қанча спорт майдончаларининг абзор ҳолатга келганига дувоҳман. Шу ўринда бир тақлиф — жамоатчилик мулкини аҳолининг ўзи яратсин. Мисол учун, “Ташаббусли бюджет” орқали шу каби объектлар бунёд этилса, муносабат ўзгариши мумкин.

“Молиявий имкониятимиз янада ошади”



Сирдарё туманидаги “Бахмал” маҳалласи раиси Элдор Раҳимовнинг фикрича, “Маҳалла бюджет” тизими ташкил этилган аксарият муаммоларни мустақил ҳал қилиш имкониятини берибди.

— Эндилликда эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга йиғилиш қарори асосида кўмаклашяпмиз, — дейди Э.Раҳимов. — Агар қишлоқ жойларидаги маҳаллаларда камида 10 гектардан ер ажратилиб, ёрдамчи хўжалик ташкил этилса, молиявий имкониятимиз янада

ошади. Бундан ташқари, янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, Хонобод шаҳридаги “Янги ҳаёт” маҳалласи раиси Азизахон Абдуқаҳҳоров “маҳалла еттилиги” ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш жараёнида бевосита раислар иштирокини таъминлаш керак, деган тақлиф билдирди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Диёрбек ЛУТФУЛЛАЕВ. Данғара тумани:

— Маҳалла раиси лавозимига кўрсатиладиган номзод қандай талабларга жавоб бериши керак? Кимларни номзод сифатида кўрсатиш таққиланади?

Раисликка номзодга қандай талаблар бор?



Баҳром КУШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими: — “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга кўра, маҳалла раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан кўрсатилиши шарт. Қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қада-р камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши керак.

Бундан ташқари, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида

ёхуд тadbиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши талаб этилади.

Суд муомалага лаёқатсиз деб топган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тўғалланмаган, судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдагилар, диний ташкилотларнинг профессионал ходимлари номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Фориш туманидаги “Оқтом” маҳалласида “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида йиғин инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш ишлари амалга ошириляпти.

Маҳалланинг 45 нафар аёли сертификат олди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Жиззах вилояти бошқармаси ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳудудда яшовчи вақтинча иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар гулчилик ва кўчатчилик йўналишида ўқитилди. Уларнинг 45 нафари ўқув курсини тамомлаб, сертификат олди.

— Хатловда аниқланган ишсиз хотин-қизлар қизиқи-ши ўрганилганда, аксарияти имтиёзли кредит ва субсидия асосида тadbиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирди, — дейди маҳалла раиси Азамат Жуманазаров.



— Уларга томорқада гулчилик ва кўчатчилик билан шуғулланиб, ўзини ўзи банд қилиш ҳамда даромадга эга бўлиш мумкинлигини тушунирдик. Тақлифни қабул қилган 45 нафар талабдор Шароф Рашидов туманидаги “Олмачи” маҳалласида тажрибали гулчи-тadbиркор Шарофат Нориева ташкил этган мономарказда соҳа бўйича зарур билимга эга бўлди. Сертификат олган Фотима Норматова, Шаҳноза Бахромова, Шахло Қипчоқова, Насиба Хўжабекова каби 37 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит ажратилиб, иссиқ-хона қуриш жараёни бошланди.



Ичимлик ва
оқова сув учун
республика бўйича
ЯГОНА НАРХ
жорий қилинади.



1 мартдан
“Uzcard” тизимидаги
битта SMS-хабарнома
нархи 84,2 сўмдан
168,4 сўмга
кўтарилади.



Автомобилларга
газ баллони
ўрнатиш учун
рухсатномани
эндиликда
ОНЛАЙН ОЛИШ
МУМКИН.

ТАЖРИБА

ОМИЛКОРЛИК ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРГА ТУРТКИ БЕРЯПТИ



Маъмуржон МАҲМУДЖОНОВ,
Янги Наманган туманидаги
“Соҳил” маҳалласи ҳоким
ёрдамчиси.

Маҳаллада 5 500 нафар аҳоли яшайди. Асосий “драйвер” — хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик. Аксарият фуқаролар ёғочни қайта ишлаш билан шуғулланади. Аҳоли ишбилармонлиги, тадбиркорлиги ва омилкорлиги билан ажралиб туради. Натижа-ни янада яхшилаш, бир жойда тўхтаб қолмаслик учун янги лойиҳалар устида ишляпмиз. Хавас билан бу ишга киришган бошловчи тадбиркорларга кредит ёки субсидия ажратил-гач, ҳар чоракда уйига бориб, фаолиятини юриб кетишига кўмаклашяпмиз. Маҳаллада айни пайтда 55 та тадбиркорлик субъекти самарали ишляпти. Ёш қари даромадли иш билан банд. Худудда бекор юрган одамни учратмайсиз.

Асосан, ишлаб чиқариш,

хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналиши ривожлан-япти. Бундан ташқари, ўсиш нуқта сифатида томорқачиликни белгилаб олганмиз. Исталган хонадонга кириш, томорқасида нимадир экиб, парваришлайди.

Жорий йил “Тараққиёт кичик саноат ҳудуди” тўлиқ қувват билан ишга тушади. Бу орқали 37 та лойиҳа амалга оширилиб, 2 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Натижада қўшни “Келажак тонги”, “Истиқбол”, “Шербулок” ҳамда Чортоқ туманидаги “Ойқирон” маҳал-лаларидан ишчи қабул қилиш салоҳиятига эга бўламиз. Худуд-да жами 1 200 га яқин хонадон бор. Шундан 320 таси ёғочни қайта ишлаш, 150 таси тикувчи-лик, 110 таси чорвачилик билан шуғулланади.

Аҳмаджон Ҳакимов ўз уйида қандолатчилик маҳсулоти — пиширик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Тадбиркор электр энергиясини қуёш панели орқали таъминляпти. 30 та иш ўрни яратган. Унга фаолиятини кенгайтириш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган.

Жалолиддин Мусохоновга субсидия асосида 30 та тикув машинаси олишга кўмаклашдик. Натижада мактаб ўқувчилари учун либос ҳамда махсус кийим ишлаб чиқаришни йўлга қўйган “Аъло барака бренд” масъули-я-ти чекланган жамияти ташкил этган. Бу орқали худуддаги 50 нафар аҳолини ишли қилди. Уларнинг аксарияти шу жойда яшовчи “Аёллар дафтари” рўйха-тидаги хотин-қизлардир.

2024 йилда банк орқали 47 та лойиҳани молиялаштирдик. Ишсиз ва миграциядан қайтган фуқароларга чорвачилик, тикувчилик каби йўналишларда 745 миллион сўм маблағ тақсимланди. Бугунги кунда барча лойиҳалар самарали ишляпти.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги таъминланаётгани соҳа вакиллари-нинг эркин ва барқарор фаолият юритишида муҳим омил бўляпти. Бу аҳоли даромадини ошириш, бандликни таъминлашга хизмат қиялпти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ДИВИДЕНДДАН СОЛИҚ ТЎЛАНАДИМИ?

Достон
БОБОЖОНОВ.
Бойсун тумани:

— Якка тартибда-
ги тадбиркор-
ман. Савдо билан
шуғулланаман.
Махсулотимнинг
аксарият қисми
сотилган. Ушбу
маблағни ЯТТ
ҳисобрақамидан
ечиб олсам, диви-
денддан олинади-
ган солиқ тўлай-
манми?

Умид НАСРИДДИНОВ,
Солиқ қўмитаси бош
инспектори:


— “Дивидендлар” тушунчаси Солиқ кодек-сининг 41-моддасида белгиланган. Унда якка тартибдаги тадбиркор учун фойда, яъни дивиденд келтириши мумкин бўлган устав фондига ҳис-са назарда тутилмаган.

Якка тартибдаги тадбиркорга солиқ солиш олинган даромаддан солиқ тўланишини на-зарда тутати. Даромад жами даромад ва чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Барча солиқлар тўланганидан кейин ҳи-собрақамида қолган пул маблағлари солиқ солиш мақсадларида дивиденд-ларга киритилмайди ва қўшимча солиқ солинмай-ди.

Шунингдек, солиқ солишда қуйидагилар ҳисобга олинмайди:

- якка тартибдаги тадбиркорнинг унга мулк ҳуқуқи асосида, шунинг-дек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўюв-чи бошқа ашёвий ҳуқуқ туфайли тегишли бўлган кўчмас мулкни сотишдан олинган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиниши лозим бўлган даромадлари;
- жисмоний шахслар-дан олинадиган даромад солиғини ҳамда якка тар-тибдаги тадбиркор фойда солиғини тўлашга ўтгу-нига қадар айланмадан солиқни тўлаш даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар.



МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?

РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ САМАРАЛИ ЎТДИ

Фарғона вилоятида “Президент томонидан белгилаб берилган янги тизим асосида аҳолининг томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш орқали даромадларини ошириш чора-тадбирлари” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда вилоят ҳокимлиги мутахассислари, барча ту-ман-шаҳарлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, “маҳалла еттилиги” ходимлари, соҳага доир мутахассислар, томорқа хўжаликлари масъуллари қатнашди.

Дастлаб семинар иштирокчилари Кува туманидаги “Каркидон” сув омбори худудида барпо этилаётган “яшил белбоғ” лойиҳаси доирасида дарахт экишди. Ушбу сув омбори худудида 270 гектар майдонда 108 мингта 15 турдаги кўчат экиш режалаштирилган. Кейинги манзил — Кува туманидаги “Қақир” маҳалла фуқаролар йиғини бўлди. Бу ерда томорқа ерларидан самарали фойдаланиш дорасида амалга оширилаётган ишлар, иссиқхоначилик билан шуғулланаётган оилалар тажрибаси ўрганилди.

— Иштирокчилар худуддаги 50 та хонадонга кириб, уларнинг илғор тажрибаси билан танишди, — дейди маҳалла раиси Ко-билжон Юнусов. — Хусусан, Акбарали Зокиров 12 сотих томорқа-сида 3 та иссиқхона ташкил этган. Очик майдонда манзарали дарахт эккан. 2024 йилда 300 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олди.

Семинар доирасида “Обод хонадон томорқадан бошланади” шиори остида худудни намунали маҳаллага айлантириш бораси-даги лойиҳалар намойиш этилди.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

Март ойида барча турдаги мева-ли дарахт-ларнинг гуллаш мавсу-ми ту-гайди.



ТОМОРҚА МАКТАБИ

Баҳорги агротехник тадбир — мўл ҳосил гарови

Алижон ЭСОНҚУЛОВ,
Академик М.Мирзаев
номидаги Боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик
илмий-тадқиқот
институтининг директори.

Айни шу даврда шакл-ланган меваларни сақлаб қолиш учун қатор ораларига ишлов бериш, тагини юмшатиш, чопиш, бе-гона ўтлардан тозалаш, суғориш ишлари бажарилади.

Соф ҳолда 120 кг. азотли, 70–90 кг. фос-форли, 45 кг. калийли ўғит билан кетма-кет суғорилади. Ҳосил нишо-наси кўп бўлса, “тоқалаш”

усули қўлланади. Ушбу усул тўғри ва ўз вақтида ўтказилса, мева сифат-ли ҳамда йирик бўлиб етилади.

Касалликлардан химоя қилиш мақсадида Бордо суюқлигининг 1 фоизли эритмаси (100 литр сувга 1 кг. мис купороси ва шунча сўндирилмаган оҳак қўшилади)ни пуркаш за-

рур. Ушбу тадбирни 8-10 кун оралатиб, 1-2 марта қайтарилади. Бундан ташқари, чуқур таъсир этувчи фунгицид яхши самара беради.

Кулупнайзорда ту-проқда намлик меъёрида бўлган вақтда қатор оралари культивация қилиниб, туп атрофи қўл-да юмшатилиб, бегона ўтдан тозаланади. Апрель

ойи бошида азотли ва фосфорли ўғитлаш талаб этилади. Бу жараён-да 50–60 кг. соф азот ва 40–50 кг. фосфор ҳисобида минерал ўғит солиб, суғорилади.

Малиназорда эски, нимжон новдалар кесиб ташланади. Қатор орала-ри 15-20 см., туп орала-ри 4-5 см. чуқурликда юмшатилади. Малина новдалари узун ўсган бўлса, 150-160 см. дан юқори қисми кесилади. Туп атрофлари юмшати-гач, эрта баҳорда азотли ўғитдан соф ҳолда 50-60 кг. солиб, сув берилади.

Ушбу агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли бажарилса, юқо-ри ҳосил олишга эриши-лади.



Хорижий бозорга чиқиш имкониятига эга бўлган СТАРТАП ЛОЙИХАЛАРГА 2 миллиард сўмгача маблағ ажратилади.



Шахрисабз ва Гебзе (Туркия) шаҳарлари ўртасида ЎЗАРО ДЎСТЛИК алоқалари мустаҳкамланади.



2024 йил давомида ТАКСИ ХИЗМАТИНИ кўрсатган 4,7 мингга яқин ҳайдовчи 100 млн. сўмдан ортиқ даромад олган.

КУЁШ ПАНЕЛИ ОИЛА БЮДЖЕТИГА ХИССА ҚУШЯПТИ

МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?

“Куёшли хонадон” дастури доирасида хонадонига куёш панеллари ўрнатган фуқароларга ишлаб чиқарилган ва давлатга сотилган ҳар бир киловатт-соат электр энергияси учун 1 000 сўм миқдорида субсидия ажратилиши белгиланган.



Китоб туманида кўплаб аҳоли вакиллари ушбу имкониятдан фойдаланиб, ўз хонадонига куёш панелларини ўрнатмоқда. Масалан, “Алақўйлик” маҳалласида яшовчи Шерзод Рахимов ўз уйига 35 кВт/соат қувватга эга куёш панелини ўрнатди. Натижада у нафақат ўз хонадонини электр энергияси билан таъминлади, балки ортиқча энергияни давлат тармоқларига сотиб, қўшимча даромад олмоқда. Келгусида қўшимча панеллар ўрнатиш режалаштирилган.

Этиборли жиҳати, ҳудудда бу каби ишбилармон, ислохотларни тўғри тушунаётган фуқаролар сони кун сайин ортмоқда. Айни вақтга қадар маҳаллада аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўрнатган куёш панелларининг умумий қуввати 200 кВт/соатга яқинлашди.

Китоб туманидаги бошқа маҳаллаларда ҳам дастурдан фойдаланиб, ўз хонадонига куёш панеллари ўрнатаётган, энергия тежамкорлигини таъминлаётган, қўшимча даромад олаётганлар талайгина. Бу ўз навбатида “яшил” энергия ривожига ҳисса қўиши билан бирга, оилавий бюджетни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хорижда ишлаш учун таклифлар бор, аммо ишлайдиган мутахассис етишмайди

Сўнгги ҳатлов натижасида маҳаллада 779 нафар ёш истекомат қилишни аниқланди. Ишсизлар, мигрантлар, биттирувчилар, талабалар еттига тонфага ажратиб олинди.



Ислом ИБРОДУЛЛАЕВ,
Мирзачўл туманидаги
“Ипак йўли” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Улар ичидан оғир тонфага киритилган 5 нафар ёшга деҳқон хўжаликларидан ер ажратилди. Мигрантлар билан онлайн суҳбат ўтказилиб, муаммолари эшитилди.

Президент ташаббуси асосида ўтган йили “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 75 нафар ёшга 40 гектар ер ажратилган эди. Бу ерга биринчи маҳсулот сифатида қовун экилиб, экспорт қилинди. Ҳар бир



МАНЗАРА

гектардан ёшларимиз 30-40 миллион сўмдан даромад қилишди. Хусусан, Олимжон Қўзиевга энг биринчилардан бўлиб ер ажратилганди. Негаки, унинг ота-бобоси ҳам қовунчилик билан шуғулланган. Берилган имкониятдан фойдаланиб, Олимжон ерга ишлов берди ва қовун уруғини қадади. Мавсум охиридаги ҳисоб-китобларга қараганда, энг яхши даромад топган ҳам шу йигит бўлди. Мавсумда 50 миллион сўм даромад олди. Унинг меҳнати натижасига гувоҳ бўлган ёшлар ерга ўзгача меҳр бера бошлашди.

Эндиликда қовундан кўпроқ фойда олишни ре

жалаганмиз. Шу мақсадда 20 гектар майдонга буғдой экилди. Май ойида буғдой ўрими тугатилгач, ўрнига тўқсонбости экин сифатида иккинчи маҳсулот экамиз. Бу билан икки мавсумда олинган фойда қовундан олинган даромаддан бир баробар кўп бўлиши кўзланган.

Ҳудуддаги мигрантларни аниқлаб, 26 нафарини рўйхатга олдик. Улар билан ижтимоий тармоқлар орқали онлайн суҳбат олиб борамиз. Қандай муаммолари бўлса, шу ернинг ўзида ечим топиб, имтиёзли кредитлар, субсидиялар берилаётгани ва бошқа имкониятлар ҳақида хабардор қилиб


борамиз. Шундай суҳбатлардан бирида мигрантлардан бири ойига 200-300 доллар топаётгани, қамдан-қам ҳолларда 600 доллар даромад қилаётгани ҳақида айтиб қолди. Шундан сўнг шароити ва даромади яхши бўлмаган 10 нафар мигрантни юртга қайтардик ва уларга ер ажратдик. Ёши каттароқ деҳқонларни йигитларга бириктириб, ерга ишлов беришнинг сир-асрорларини ва кўпроқ ҳосил олиш йўлларини ўргатдик. Улардан бири кунга-боқар экиб, илк ҳосилдан 30 миллион сўм даромад қилди.

Таклифим шундан иборатки, ёшларга тил ўргатиб, катта лойиҳаларга жалб қилиш лозим. Мисол учун, Германияда ишлаш бўйича таклифлар жуда кўп келади, аммо бунинг учун зарур мутахассислар етишмайди. Тил ўргатиш бўйича ўқув маркази очилган, лекин немис тилини ўргатадиган ўқитувчига эҳтиёж бор. Агар шундай устозлар ўқув марказимизга жалб этилса, ёшлар тил ўрганиб, ўз соҳаси бўйича бўладими ёки бошқа йўналишими, имкониятдан фойдаланиб, хорижда даромадли иш билан таъминланарди.

НОГИРОНЛИГИ БОРЛАРГА АТТЕСТАЦИЯДА ИМТИЁЗ БОРМИ?

Лола АҲМАДОВА.
Оқолтин тумани:

— МЕН МАКТАБДА ИШЛАЙМАН, 2 ГУРУҲ НОГИРОНИМАН. ҲОЗИРГИ КУНДА МУАССАСАДА АТТЕСТАЦИЯ ЎТҚАЗИЛАПТИ. АЙТИНГЧИ, НОГИРОНЛИГИМ БОИС МЕНГА ИМТИЁЗ МАВЖУДМИ ЁКИ АТТЕСТАЦИЯГА ҚАТНАШАМАНМИ?



МЕНДА САВОЛ БОР...

Даврон ТОЖИЕВ,
юрист, адвокат:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом қоидаларига кўра, ногиронлиги бўлган шахслар учун аттестация жараёнларида имтиёз кўзда тутилмаган. Демак, сиз ҳам мажбурий аттестация муддати келганда қатнашишингиз керак бўлади.

ФИКР

БИТТА КИТОБ

...ПАНЖАРА ОРТИДАН
ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА АДАШИБ,
ЖИНОЯТ ОЛАМИГА
КИРИБ ҚОЛГАН ЁШ
ҚАЛБЛАРНИНГ МУНГЛИ
КЎЗЛАРИ МАЪНОС
БОҚАДИ. КЎПЧИЛИГИ
БИЛАН СУҲБАТДА
БЎЛСАНГИЗ: “ТАҚДИР
ЙЎЛЛАРИДА АДАШИБ,
ҲАҚЛИ РАВИШДА
ЖАЗОМНИ ТОРТАЁТГАН
МАҲБУСМАН”, ДЕГАНИ
НИ ЭШИТАСИЗ.

У

з муддатини адо қилиш учун тим қора сочлари темир панжара ортида оқаргунча орзуларини кўмиб яшашга маҳкум бу ёшларнинг пушаймонлигини тинглаб, юракбағринг эзилади...

Албатта, уларнинг бу йўлни танлашида ўзига яраша сабаблари бўлиши мумкин. Аммо шу ҳолга келишларидаги энг катта камчилик, бу — уларнинг маънавий оламининг кемтиклиги ҳисобланади. Инсон ҳар қандай вақтда ўз ҳаракатларини назорат қилиши, тўғри қарор қабул қилиши учун маънавий барқарорликка эга бўлиши, бироз бўлса-да, ҳаёт моҳиятини англаб етмоғи даркор. Бунинг учун, албатта, китобнинг ўрни бебаҳодир. “Хайрли ишга ҳеч қачон кеч бўлмади”, дейишади. Бугунги кунда ҳаёт тегиримонида саваланаётган мана шундай тақдир эгаларининг жазо муддатларини енгиллаштириш борасида қатор жараёнлар кўриб чиқилмоқда.

Улардан бири — Олий Мажлис

ЖАЗО МУДДАТИНИ УЧ КУНГА ҚИСКАРТИРАДИ

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида китоб ўқиган маҳбуснинг жазо муддати қисқартирилиши билан боғлиқ. Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мажлисда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини рағбатлантиришга қаратилган нормаларни кириштириш зарурати мавжудлиги қайд этилди.

Қонун лойиҳасига кўра, маҳкумларнинг жазо ўташ муддатини ўзини ўзи тарбиялаш орқали тузатиш йўлига ўтганини тасдиқловчи ҳаракатларни бажаргани муносабати билан қамайтириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Жиноят ко-

дексига китоб ўқишга жалб қилиш орқали маҳкумларни ахлоқан тузатиш бўйича янги 74-1-модда киритилапти. Унга кўра, фақат жазо муддатини тўлиқ ўташи лозим бўлган маҳкумларга нисбатан тасдиқланган рўйхат бўйича 1 та китоб ўқиган ва белгиланган тартибда имтиҳон топширган тақдирда жазо-сини 3 кунга қисқартириш назарда тутилган. Бу жараёнда йилга кўпи билан 10 та китоб ўқиш мумкинлиги белгиланяпти. Маҳкумлар ўқийдиган адабиётлар рўйхатини Республика Маънавият ва маърифат маркази тасдиқлайди. Бу каби чоралар маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш йўлига ўтишига хизмат қилади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 73-, 74-моддалари асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки



енгилроғи билан алмаштириш масаласини ҳал этиш вақтида ҳам китоб ўқиганлик инобатга олиниши белгиланяпти. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маҳкумларни ижтимоий фойдали машғулотлар билан шуғулланишга, китобхонликка жалб қилиш орқали ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Инсон учун бу дунёда эрки-

дан, мустақиллигидан, озодликдан муҳимроқ нарсаси бўлмас керак. Ҳар битта одам қачонки эркин бўлса, ўзини тўлақонли ҳис қилади. Унинг маълум даражадаги эркинлиги чекланиши, у ўзини мустақил ҳис қила олмайди. Юқоридаги таъаббусдан мақсад аниқ; панжара ортида жазо муддатини ўтаётган ёш маҳбусларни китобга ошно қилиб, маънавий онгини шакллантириш орқали уларни соғлом ҳаётга қайтариш ва келгусида яна жиноят оламига кириб кетмасликларига чорлашдан иборат.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Италиянинг музей ва кутубхоналаридаги Ўзбекистон маданий меросига оид НОДИР ДУРДОНАЛАР ўрганилди.



Сенат: Ўзбекистонда КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР 12 фоизга камайди.



ОТМ битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашувчи “КЕЛАЖАККА ҚАДАМ” дастури амалга оширилади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Яширин иқтисодиёт яшириниб қолмаселиги шарт

Мамлакатимизда бошқарув органларининг янги чарчаб кетмаслиги, яъни маҳалла даражасига тушурилган шартлардан кўчирилиши хабардор.



Оловиддин КАРИМОВ, Тупрокқалъа туманидаги “Нукус маскани” ва “Саримой” маҳаллалари солиқ инспектори.

Бундай ўзгаришлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатяпти. Хусусан, “маҳалла еттилиги”нинг “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали аҳолининг асосий муаммолари йилнинг ўзига ҳал этиляпти. Менга бириктирилган “Нукус маскани” ва “Саримой” маҳаллалари туманининг энг олис ҳудудига жойлашгани учун олдинлари бу ерга солиқ ходимлари тез-тез келишмаган. Келган бўлса ҳам аҳолининг мол-мулк ва ер солиқла-

ридан қарздорликларини ҳамда 3-4 та савдо дўконининг солиқ тўловларини ундириш учун келган, холос. Эндиликда ҳар куни маҳаллада бўляпмиз. Бунинг натижасида тadbirkorлар сафини кенгайтириб, солиқ базасини кўпайтиряпмиз. Жорий йилнинг январь ойида мазкур маҳаллаларда учта ҳолатда фуқароларнинг яширин тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланаётганини аниқладим. Солиқ қонунчилигидан хабардор бўлмаган ушбу фуқаролар ноқонуний фаолиятнинг оқибатларини тушунмаган. Шу боис, уларнинг ҳар бирига қонуний ишлашнинг афзалликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тушунтирдим. Шундан сўнг тadbirkor сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолиятини

қонунийлаштирди. Худди шундай, хонадонда норасмий даромад топаётган 46 нафар фуқаро билан тушунтириш ишларини олиб боргач, улар ўзини ўзи банд қилганлик тўғрисида гувоҳнома олиб, фаолиятини расмийлаштирди. Бунинг натижасида бюджетга қўшимча 4,4 миллион сўм тушиши таъминланди. Бундан ташқари, учта тadbirkor норасмий ишлаб келаятган 31 нафар ишчисини қонунийлаштирди. Мулоқотдан маълум бўлдики, тadbirkor ишчи-ҳодимлар учун тўланган даромад солиғини қайтариб олиш ҳуқуқи борлигини билмагани учун уларни норасмий ишлаб келган. Бугунги кунда ҳар икки маҳаллада 49 та айланмадан олиннадиган солиқ тўловчи юридик шахс, 973 та мол-мулк, 1 071 та ер солиғи тўловчи ва 76 нафар яқка тартибдаги тadbirkor ҳамда 30 та деҳқон хўжалиги, 36 та декларация асосида солиқ тўловчилар бор. Иш самарадорлигимизни оширишда “маҳалла еттилиги” ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этапти. Биргаликда ҳудуддаги молиявий қийинчиликка дуч келган бир нечта тadbirkorлик субъектлари режаларини ўрганиб, 32 та буш турган объектни қайта ишга туширишга эришдик. Бунинг ҳисобига бюджетга қўшимча солиқлар ҳисобланди. Ўтган ойнинг ўзига режадаги 119,7 миллион сўм ўрнига 155,2 миллион сўм солиқ тушуми ундириб, 130,3 фоиз кўрсаткичга эришдик. Натижада

ойлигимдан ташқари, маошимнинг 200 фоизи микдорида мукофот пули берилди. Фаолиятим давомида ҳеч қандай муаммо ва қийинчиликларга дуч келмаяпман, десам ёлгон бўлади. **Биринчиси**, мол-мулк ва ер солигидан қарздор айрим фуқаролардан қарздорликни ундириш қийин кечяпти. “Soliq” мобил иловаси орқали масофадан тўлаш мумкинлигини тушунтирсак, турли важлар келтиришади. Шу боис ҳар бир маҳалла биносида банк инфокиоскаси ўрнатилиш зарур. **Яна бир жиҳат**, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги боис, солиқ тўлашдан қочиб, яширин фаолият юритаётган таниши ёки қўшнисининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини билиб туриб, уларни тўғри йўлга бошламайди. Ҳолбуки, ҳар бир фуқаро яширин иқтисодиёт билан шуғулланаётган қўшнисини, солиқдан қочишга уринаётган танишини ва “конверт” усулида иш ҳақи олаётган яқинларини бу йўлдан қайтариши шарт. Негаки, норасмий ишлаган фуқароларни ҳозирдан химоя қилмасак, эртага пенсия ёшига борганда расмий ишлаган фуқароларга нисбатан анча кам пенсия олишига тўғри келади. Шунингдек, норасмий тadbirkorлик фаолиятларини қонунийлаштириш кўплаб ижобий ўзгаришларга, хусусан, маҳалланинг солиқ базасини кенгайтириш орқали ҳудуддаги муаммоларни тезроқ ечиш имкониятини оширади.



“Маҳалла еттилиги” ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этапти.

Бобур АБРАХМАТОВ. Қашқадарё вилояти:

– Эшитишимча, жорий йилдан барча фармацевтика ва тиббий хизмат кўрсатувчи компаниялар ҚҚС тўловчисига ўтаркан. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Санжар ХАЙРИДДИНОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори:

– 2025 йил 1 апрелдан даромадидан қатъий назар, фармацевтика маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи ёки тиббий хизмат кўрсатувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчиси бўлади. Бу жараёнда солиқ органлари онлайн назорат-касса техникаси, электрон ҳисоб-варақ-фактура ҳамда бошқа ташқи ва ички маълумотлар асосида ҚҚС ҳисоботларини автоматик тарзда шакллантиради. Ушбу тартиб Солиқ кодексига тегишли ўзгаришлар киритилгандан сўнг амалиётга жорий этилади. Амалдаги қонунчиликка кўра, фармацевтика маҳсулотларини сотувчи ёки тиббий хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун солиқ тўлаш тартиби қуйидагича: – даромади 1 млрд. сўмдан ошмайдиганлар –



айланмадан олиннадиган солиқ тўловчиси; – даромади 1 млрд. сўмдан кўп бўлганлар – ҚҚС ва фойда солиғи тўлашга ўтади. ҚҚС 12 фоизни, фойда солиғи ставкаси 15 фоизни ташкил этади. Ижтимоий соҳа фаолиятини амалга оширувчи солиқ тўловчилар учун фойда солиғи ставкаси ноль фоиз этиб белгиланган. Айланмадан олиннадиган солиқ ставкаси 4 фоизни ташкил этади. Ўлтуржи ва чакана дори воситаларини сотиш билан шуғулланувчи дорихоналар учун солиқ ставкалари қуйидагича белгиланган: – аҳоли сони 100 минг нафар ва ундан кўп бўлган шаҳарларда – 3 фоиз; – бошқа аҳоли пунктларида – 2 фоиз; – борш қийин бўлган ва тоғли туманларда – 1 фоиз. Шунингдек, солиқ тўловчилар қатъий белгиланган суммада айланмадан олиннадиган солиқни тўлашга ҳақли.



Ургут туманидаги барча маҳаллаларда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида ҳашар ишлари ташкил этиляпти.

Унда “маҳалла еттилиги”, нурунийлар, кўчабошилар ҳамда хонадон эгалари фаол қатнашмоқда. Яқинда туман миқёсида ўтказилган навбатдаги ҳашарда хонадонларда, маҳалла биноларида, ижтимоий соҳа объектларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 217 мингдан ортиқ фуқаро қатнашган ҳашар ишларида 270 километрга яқин ариқлар қазилди, 17,2 километри бетонлаштирилди. 61 минг 455 туپ мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилиб, окланди. Аҳоли хонадонларига “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 29 минг 750 туздан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар экилди. 144 та қабристонда ёшлар иштирокида ободонлаштириш ишлари бажарилди. Ҳомийлар ва “маҳалла еттилиги” ташаббуси билан 18,7 километр йўлга тош ва шағал қопламалари ётқизилди. Шунингдек, 24 та камбағал оила хонадонидagi юмушларга кўмаклашилди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

Камерал текширувдан кейин хатоларни тузатиш мумкинми?

Ўтган январь ойида 5,2 мингта солиқ тўловчида камерал солиқ текширувлари ўтказилди. Бу республика бўйича фаолият кўрсатаётган тadbirkorлик субъектларининг (527,1 мингта) 1 фоизини ташкил этади. Ушбу текширувларда 2 840,4 млрд. сўм тафовут аниқланган ҳамда бу ҳақда солиқ тўловчиларга талабномалар юборилган.

Хўш, камерал текширувдан кейин хатоларни ўз вақтида тузатиб, солиқ аудитининг олдини олиш мумкинми? Албатта, мумкин. Аввало шуни билиш керакки, камерал солиқ текширувлари солиқ тўловчининг иштирокисиз, унинг ҳудудга бормасдан, ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда ўтказилади. Агар текширувда тафовут ва хатолар аниқланса, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига талабнома юборилади. Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи ёки аниқланган тафовутлар асосномасини 5 кун ичида тақдим этиши керак. 2024 йилда қарийб 7 мингта тadbirkorлик субъектлари камчиликларини бартараф этиб, қайта ҳисоботлар топширди. Натижада уларга солиқ аудити ўтказилиши ва молиявий санкциялар қўлланилишининг олди олинди. Солиқ аудити қачон тайинланади? – солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса; – аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса; – тақдим этган асосномалар етарли эмас, деб топилса. 2024 йилда камерал солиқ

текширувларидан 18,8 мингтаси аниқланган хато ва тафовутлар бўйича солиқ ҳисоботини ёки асослангирувчи ҳужжатларни тақдим этмади ёки асосномалар етарли эмас деб топилган. Қандай ҳуқуқбузарликлар аниқланди? – солиқ солиш базасини камай-тириб кўрсатиш ҳамда харажатларни суъний оширилиши ҳисобига солиқлар кам ҳисобланганлиги; – ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, қалбаки ёки қўзғўямачилик учун битимлар тузиш, харид ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатураси бир-бирига мувофиқ эмаслиги ҳисобига солиқ тўланмаслиги; – ҳисобга олиннадиган солиқ суммасини нотўғри ошириб кўрсатилиши ва тўланадиган солиқ суммасини камай-тириш схемаларининг қўлланилиши кузатишган. Шундай экан, солиқ аудити ва молиявий санкцияларнинг олдини олиш учун камерал солиқ текширувлари жараёнида аниқланган хато ва тафовутлар юзасидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини ёки асосномаларни белгиланган вақтда тақдим этишингиз зарур. Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ қўмитаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари.



2025 йилнинг ўтган даврида республика бўйича 848 туп дарахт ноқонуний кесилиб, табиатга жиддий зиён етказилган.



Ўзбекистонда меҳнат таътилига ҳақ тўлашда энди ЯҚШАНБА КҮНЛАРИ ҳисобга олинмайди.



Ўзбекистон ва Тожикистон ҳамкорлигида Душанбе шаҳрида “ДЎСТЛИК БОҒИ” барпо этилади.

КЎМАК

ЯНА БИР ОИЛА ЎЗИНИ ТИКЛАДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳудудларда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида эҳтиёжманд аҳоли қатламини оғир ижтимоий вазиятдан олиб чиқиш чоралари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Тимур БАЙБИКОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Кармана туманининг “Янгиобод” маҳалласида яшовчи оилаларнинг ҳаёти мазкур дастур орқали ижобий томонга ўзгармоқда. Биргина Тўхтаевлар оиласини мисол қилиб олсак. Бундан бир йил олдин Карима Тўхтаеванинг соғлиги ёмонлашиб, даволанишга муҳтож бўлиб қолганди. Оиланинг доимий даромад манбаи йўқ эди. Ҳаёт қийинчиликларига дуч келган Ҳаким бобо маҳаллада ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимга мурожаат қилди. Ижтимоий ходим оилани индивидуал ёндашув асосида баҳолаб, “Камбағаллик реестри”га киритди. Оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун бириктирилган раҳбар билан биргаликда ёрдам кўрсатилди. Жумладан, оила чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан даволаниш учун маблағ ажратилди. Хонадони янгидан таъмирдан чиқарилди. Келинининг бандлигини таъминлаш учун тикув машинаси олиб берилди. Неваралари тўғрақларга жалб этилди. Карима ая реабилитация қилишнинг техник воситаси билан таъминланди.



Таъкидлаш керакки, маҳаллада ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим кам таъминланган хотин-қизларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалла биносидан бепул тикувчилик курсларини ташкил қилган.

ИМКОНИАТ



Бир оилани биламан. Оила боши вафот этгач, узоқ йиллар моддий етишмовчилик сабаб қийналиб яшабди. Аёл ногиронлиги бўлган фарзандини ташлаб, бирор жойда ишлашга имкон топа олмади. Шунда “маҳалла еттилиги” ходимлари томорқасида субсидия асосида иссиқхона қуриб беришди. Мана, орадан кўп вақт ўтмадики, улар яхшигина даромад топишни бошлади. Қўшимча ёрдамга ҳеч қандай эҳтиёжи қолмади. Томорқада барқ уриб ўсиб ётган исмалоқларни харидорлар жойидан олиб кетишяпти.

Шахноза РАҲИМХҲАЕВА “Mahalla” муҳбири.

Баязан инсон йўлини топиб олиши учун кичик турткининг ўзи етарли. Орамизда бунга эҳтиёжи бўлган кишилар жуда кўп. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 14 февралда яна бир муҳим ҳужжат — “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш учун молиявий ёрдамлар ажратиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Қарорга кўра, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, айланма маблағлари билан таъминлаш ҳамда Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ва Камбағал оилалар реестрига киритилган оила аъзоларига ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилишга ажратиладиган субсидиялар ўрнига фоизсиз ссуда ажратиш тизими жорий этилади.

Аҳоли қизиқиш билдирмаган, узоқ давр мобайнида фойдала-

нилмаётган ва самарадорлиги паст бўлган субсидиялар бекор қилинади ҳамда бир-бирини тақрорловчи субсидиялар бир-лаштирилади.

Маҳаллаларнинг ихтисослашуви ва “драйвер” йўналишларидан келиб чиқиб, камбағал оилаларга тадбиркорлик ҳамда деҳқончилик билан шуғулланиши учун грант ва фоизсиз ссудалар ажратилади.

2026 йил 1 январдан аҳолига нақд пул шаклида бериладиган молиявий ёрдамлар босқичма-босқич ижтимоий карта орқали ажратилади.

Қарорга мувофиқ, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги янги турдаги молиявий ёрдамлар жорий этилади:

— озоодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга улар томонидан тадбиркорлик, меъморчилик, хунармандчилик каби йўналишлардаги аниқ лойиҳалар амалга оширилиши учун — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 бараваригача субсидиялар;

— ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлган ишсиз фуқароларни ёки камбағал оилалар аъзоларини



2026 йил 1 январдан аҳолига нақд пул шаклида бериладиган молиявий ёрдамлар босқичма-босқич ижтимоий карта орқали ажратилади.

касаначи сифатида ишга олган тадбиркорларга уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун — ҳар бир жалб қилинган касаначи учун БҲМнинг 10 бараваригача миқдордаги 3 йилгача муддатга фоизсиз ссудалар;

— камбағал оила аъзоларига ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилишга — БҲМнинг 50 бараваригача миқдордаги 6 ойдан 3 йилгача муддатга фоизсиз ссудалар;

— камбағал оилаларга деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил қилиш учун деҳқон хўжалиқларига сув қудуқларини бурғилаш, насос агрегатларини сотиб олиш, томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш ва электр тармоқларини тортиш учун — 6 ойлик имтиёзли давр билан БҲМнинг 200 бараваригача миқдордаги 5 йилгача муддатга фоизсиз ссудалар;

— маҳаллаларнинг ихтисослашуви ва “драйвер” йўналишларидан келиб чиқиб, ўз тажрибасини 10 тагача камбағал оилаларга ўргатган ва уларга доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашган тадбиркорларга ҳар бир камбағал оила учун — БҲМнинг 3 баравари, бироқ БҲМнинг 30 бараваригача миқдордаги грантлар ажратилади.

Янги қарор бугун эҳтиёжмандликдан қийналиб яшаётган қанчадан-қанча оилаларга янги имконият эшикларини очибди, берилаётган маблағлар сабаб янги тадбиркорлик йўналишлари ишга тушади, иш ўринлари қўнаяди, боқимандалик чекинади. Энг муҳими, жамиятнинг рағнақ топиши яна бир поғонага қўтарилади.

ЯНГИЛИК



ОЛИС МАҲАЛЛАЛАРДА ОИЛАВИЙ НОДАВЛАТ БОҒЧАЛАР ОЧИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг “2025-2026 йилларда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



Қарорга кўра, 2025 йил якунига қадар республикадаги камбағал оилаларнинг 3-7 ёшли болаларини мактабгача таълим билан қамров даражаси 80 фоизга етказилади.

Шунингдек, қуйидагилар ташкил этилади:

- аҳолининг яшаш даражаси ва тўлов қобилияти юқори бўлган (камбағал оилалар кам бўлган) маҳаллаларда — давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчалар;
- олис ва чекка (туман ва шаҳарлар марказида жойлашмаган) маҳаллаларда — оилавий нодавлат боғчалар;
- аҳолининг тўлов қобилияти паст (камбағал оилалар нисбатан кўп бўлган) ҳамда демографик ўсиш даражаси юқори бўлган маҳаллаларда — давлат, шунингдек, халқаро молия институтлари кредит ва грантлари ҳисобидан давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчалар;
- ижтимоий соҳа муассасаларининг бўш биноларида — қисқа муддатли гуруҳлар.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Касб-ҳунарга йўналтириш имконияти берилса...

Танаси бошқа дард билмас, деб бекорга айтишмаган. Ҳақиқатан, бирор хасталик сабаб азоб чекаётган, қийналаётган кишининг кечинmalarини бошқа биров ҳис қилиши қийин. Ўзим ҳам 2 нафар ногиронлиги бўлган фарзанд парваришлаётганим учун бу каби оналарга қанчалик оғир эканини яхши биламан.

Ижтимоий ҳимоя соҳасини бежизга танламадим. Болаларимга ўхшаган имконияти чекланган шахсларга қўлимдан келганча ёрдам берсам, бирор мушкулени осон қилишга кўмагим тегса, шундан хурсандман.

Худудимизда 57 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истикомат қилади. Кам таъминланган оилалар сони 52 та. Камбағал оилалар рўйхатига 6 та хонадонни киритганмиз. Айни вақтда уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида ишлар олиб бориляпти. Имконияти ва шароитидан келиб чиқиб, фаровон турмуш кечириши учун ёрдам кўрсатилляпти.

Шаҳло Шерматованинг оиласи дастлаб камбағал сифатида тан-

лаб олинган эди. Улар ажратилган 5 миллион сўм кредит эвазига керакли асбоб-ускуналар харид қилиб, ҳозирда турмуш ўртоғи пластик эшик ва ромлар тайёрлаб, сотишни йўлга қўйган. Ўзи мактабгача таълим ташкилотида фаолият олиб боряпти. 4 нафар фарзандидан ташқари, яна бир ёлғиз онанинг боласини ўз қарамоғига олган. Уларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш мақсадида “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказининг бир неча тўғрақларига йўланма бердик.

Фаолиятимни бошлаганимдан бери 20 та кейс очилган бўлса, ҳар бирига эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатилди. Хусусан, 1-гурӯх ногирони бўлган Нигора Маъруфовага шу кунгача синглиси қараб келаётган эди. Ижтимоий ходим ассистенти бириктирилган-

дан кейин оиланинг имкониятлари янада кенгайди. Нигора ҳомийлик асосида олиб берилган тикув машинасидан унумли фойдаланиб, боғчалар учун юмшоқ ўйинчоқлар тикиб, қўшимча даромад топишни бошлади.

Аёлга соғлиғини тиклаши учун вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказига йўланма берилган. Март ойида даволаниб келишни режалаштиряпти. Бу ҳали ҳаммаси эмас, қаҳрамонимизга ҳаракатланиши осон кечиши учун электрон юритмали арава ҳам тақдим этилди. Ногиронлик нафақасидан ташқари, якка-ёлғиз яшаётгани учун қўшимча компенсация пули тўланаяпти.

Ҳар куни шу каби ногиронлиги бўлган фуқароларнинг камида 5 нафарининг хонадонига қираман. Улар билан суҳбатлашаман. Мулоҳазалари ва муаммоларини тинглаш учун вақтимни қизғонмайман. Қанча кўп эътибор қаратсам, шунга яраша раҳмат ва миннатдорлик оламан.

Куни кеча 2 нафар имконияти чекланган фуқарони тикувчилик

корхонасига ишга жойладик. Шу билан меҳнатга жалб қилинган ногиронлиги бўлган фуқаролар сони 10 нафарга етди. Келажақда бу рақамларни янада оширишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, жорий йилга мўлжалланган лойиҳамизга кўра, бир бинода кичик тикув корхонаси очишни режалаштиряпмиз. У ерда камбағал оила вакиллари ҳамда ногиронлиги бўлган кишилар иш билан таъминланади. Қолаверса, шу бинонинг ўзида тиббий хизмат кўрсатиш бўлимини ташкил этмоқчимиз.

Бугун меҳнатга лаёқатли кишиларнинг бандлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг хизмати катта. Лекин айрим ҳолатларда ногиронлиги бўлган фуқароларни онлайн платформа қабул қилмагани боис мономарказларга йўналтиришда қийинчиликларга дуч келяпмиз. Мана шу муаммога ечим топилишини, ижтимоий ходимга шу каби шахсларни касб-ҳунар марказига йўналтириш имкони берилишини хоҳлардим.



Азизахон ИБРОҲИМОВА, Тошлоқ туманидаги “Дўстлик” маҳалласи ижтимоий ходими.



Ўзбекистон бўйлаб
9-25 февраль кунлари
“БИЗ ДОНОРМИЗ!”
акцияси ўтказилади.



Қонун лойиҳаларига
таклиф берган фуқаро
эндиликда унинг
МУҲОКАМАСИДА
ИШТИРОК ЭТАДИ.



Ўзбекистонда
“ТОПОГРАФИЯ”
маълумотлар базаси
яратилади.

МОҲИЯТ

Пиллачилик: имконият, шароит ва даромад

Бугун ишлайман, меҳнат қиламан, деган инсон учун барча шароит муҳайё. Қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, ўз касбининг устаси бўлган киши ҳамиша муваффақият қозониши аини ҳақиқат. Қолаверса, кундан-кунга соҳалар ривожини учун яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш билан даромад манбаини янада ошириш мумкин. Айниқса, бу борада хотин-қизларнинг имтиёзлари анчагина.

Мама-босқич таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан опа-син-гилларимизни пиллачилик соҳасида қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш ва уларни соҳага жалб қилишнинг асосий параметрлари ҳамда хотин-қизларни пиллачилик соҳасида қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш ва уларнинг соҳада бандлигини босқичма-босқич таъминлаш тизимини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган. Асосий параметрлар доира-

сида амалга оширилаётган чора-тадбирлар 2025 йилда Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилиши белгиланди. Бундан ташқари, ушбу қарорда қисқа муддатли ўқув курсларини тамомлаган хотин-қизларнинг бандлиги устувор равишда 105 минг гектар ер майдонида янги туздорлар барпо этиш ва дала четларида янги тут кўчатлари экиш ҳисобига ҳамда пиллачилик кластерлари, ипак курти уруғчилиги корхоналари, пиллачилик ва тутчилик йўналишидаги фермер хўжалиқларига мавсумий ҳамда доимий ишларга қабул қилиш орқали таъминланиши назарда тутилган. Бугунги кунда республикадаги 153 та туманда пилла етиштириш йўлга қўйилган. Ушбу соҳада жорий йилда 593 минг 48 нафар



хотин-қизни қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш ва уларни пиллачилик соҳасида бандлигини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Ипак курти парваришлаш ва тутчилик соҳасида ташкил қилинадиган қисқа муддатли ўқув курслари 14 та ҳудудлардаги туман ва шаҳарларда ўтказилади. Айни вақтда жойларда мазкур йўналишда ишни тўғри ташкил этишни йўлга қўйишга қаратилган семинарлар бўлиб ўтмоқда. Сектор ва маҳалла ҳудудларида тажрибали агрономлар бошчилигида ўқув курслари ўз фаолиятини бошлаган. Умид қиламизки, бугун берилган билим ва имконият эртага ўзининг қувонарли натижаларини кўрсатади.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
маълумотлари асосида
Шаҳноза РАХИМХУЖАЕВА
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Фазилат ТУРҒУНОВА.
Хоразм вилояти:

— Автомашинамиз бошқа бир одамнинг номида, лекин шундай бўлса-да, ўша автомашинани сабаб бизга “болалар пули” берилмаслигини айтишмоқда. Автомашинани бошқа одамнинг номида бўлганлар ҳам энди бола пули ололмайдими?



МАШИНАСИ БЎЛСА, БОЛА ПУЛИ БЕРИЛМАЙДИМИ?

Жўрабек ҚАЛАНДАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Хоразм вилояти бошқармаси
шўъба мудири:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 ноябрдаги тегишли қарори билан “Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга бир қатор ўзгартиришлар киритилган. Унга қўра, 2024 йил 1 мартдан бошлаб, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олаётган оиланинг номига расмийлаштирилмаган, бироқ уларнинг фойдаланувида бўлган автотранспорт воситалари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳолати масъул этиб белгиланган ижрочилар томонидан жойига чиқиб ўрганилади. Ўрганиш натижалари бўйича шундай ҳолатлар аниқланган тақдирда, уларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам пуллари берилиши рад қилиниши назарда тутилган.

МУЛОҲАЗА

Қайнона келиннинг янги оила муҳитига қўниқиши, рўзғор тутумини ўрганиши, турмуш ўртоғига ҳурмат билан муносабат кўрсатиши каби муҳим жиҳатларни ўрганишида асосий кўмакчи саналади. Қолаверса, хонадонда тинчлик, хотиржамлик ҳукм суриши, ҳамма бир-бирини тушуниб яшаши ҳам унинг ўқуви ва ёндашувига боғлиқ. Шунинг учун уйма-уй айланар эканман, биринчи навбатда, қайноналарнинг суҳбатини олишга чоғланаман. Агар у мулоҳазақор, илму маърифатли бўлса, ҳар қандай муаммога ечим топиш мумкин.



Дилфуза ЭШИМОВА,
Қизриқ туманидаги
“Янгиобод” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламизда ҳаммага намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган қайноналар жуда кўп. Уларнинг ҳаётий тажрибаларини бошқаларга ўрناк қилиб кўрсатиш мақсадида тез кунларда “Ибратли қайнона” кўрик-танловини ташкил этишни режалаштирганмиз. Бунда кўпроқ миллий кадриятларимиз, оила тинчлигини таъминлаш ҳамда келинларга муомала қилиш каби жиҳатларга эътибор қаратилади. Умид қиламизки, мазкур тадбир сабаб бир қанча инсонларнинг қарашлари ижобий томонга ўзгаради.



“ЎЛОВИМИЗ БЎЛСА, ЎЙЛОВИМИЗ КАМАЯРДИ”...

Маҳалла тизимида фаолият юритиш осон эмас, албатта. Худудимизда 2 минг 246 нафар хотин-қиз истиқомат қилса, ҳар бирининг ўзига хос феъл-атвори, ташвишу муаммолари бор. Ҳеч бирини ўз ҳолига ташлаб қўймасликка, имкон қадар кўмаклашишга ҳаракат қилиш керак. Айниқса, ўз хусусий бизнесини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидагиларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш керак. Дилфуза Бакирова 2023 йилда “Аёллар дафтери”га тадбиркорлик қилиш мақсадида киритилган эди. Унга маҳалла тавсияси билан 27 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Синглимиз маблағ эвазига уйда тикувчилик цехи очди. Ҳозирги кунда қўшимча равишда қандолат маҳсулотлари пиширишни йўлга қўйган. Шу билан бирга, чеварчилик бўйича 50-60 нафардан кўпроқ шоғирдлари бор. Ёшларнинг хунар эгаси бўлиши учун барча тажриба ва малакасини ишга солиб келмоқда. 2 нафар ишчиси билан буюртма асосида келин сарполари,

парда ва замонавий либослар тикиш билан банд. Агар битта қўйлакни 60 минг сўмдан тикишни ҳисобга оладиган бўлсак, кунига 150-200 минг сўм даромади тайин. Дилфузанин эришган барча муваффақиятларида эрининг ёрдами катта бўляпти. Уйда барча шароитларни яратиб ҳамиша ёнида туради ҳамда моддий тарафдан кўмаклашади. Ҳақиқатан, агар аёлни оила аъзолари қўллаб-қувватласа, иқтидорини намоён этишга имкон берса, тўсиқларни енгиб ўтиш осон кечади. Қолаверса, “маҳалла еттилиги” вакилларининг аҳолини тадбиркорлик фаолиятини бошлашга қизқитириши муҳим саналади. Одамлар қилган меҳнатидан даромад олишни бошла-са, аста-секин ўзлари ҳаракат қилишга киришади. Дилафруз Юсупова 2024 йилда “Аёллар дафтери”га киритилган эди. Аввалига касб-хунар ўрганиш учун 3 ойлик курсни тамомлади. 30 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик

Аёлни оила аъзолари қўллаб-қувватласа, иқтидорини намоён этишга имкон берса, тўсиқларни енгиб ўтиш осон кечади. Одамлар қилган меҳнатидан даромад олишни бошла-са, аста-секин ўзлари ҳаракат қилишни бошлади.

фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозирги кунда ҳарбийлар учун махсус кийим, мактаб ўқувчиларига байрам либослари тикиб берапти. Ёнига 2 нафар субсидия асосида тикув машинаси олган аёлни бириктириб қўйганмиз. Аёлларимиз тумандаги 31 та маҳалла орасида фаоллиги ва интилувчанлиги билан алоҳида ажралаб туради. Турли тадбир, умумхалқ ҳашарлари ва учрашувларда олдинги сафларда туришади. 3 нафар опа-синглимиз “Муътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланган. Маҳалла ҳодимларининг иш самарадорлигини ошириш учун куйидаги таклифимни билдирмоқчи эдим. Яъни, имтиёзли кредит асосида автомашини харид қилиш имкони берилса, анча оғиримиз енгил бўларди. Базан маҳалланинг у бошидан бу бошига тезда етиб боришга тўғри келади. Тунлари оилавий келиш-мовчиликларни ҳал қилишга боришимиз керак бўлади. Шундай ҳолатларда улов бўлса, ўйловимиз сал камайган бўлармиди...

ТАҚДИРЛАР

Қизиқиш бўлса, қийинчилик чекинади



Маликаҳон Ибрагимова 1981 йилда Қувасой шаҳридаги “Қўчқорчи” маҳалласида туғилган. 1-гуруҳ ногирони. Ҳозирда “Пакана” маҳалласида истиқомат қилади. Гулдаста ва композициялар ясаш, совғалар тайёрлаш унинг жону дили.

Удастлаб Фарғона шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежида чеварчилик сирларини ўрганган бўлса, кейинроқ ўз малака ва кўникмаларини ошириш учун Фарғона шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказига борди. — 2023 йилда мономарказнинг 3 ойлик гул ясаш курсини тамомладим, — дейди Маликаҳон Ибрагимова. — Ҳозир уйда ўзим бемалол гулдасталар ясабман.

Харидорлар бўлса, сотаман. Шоғирдларимга хунаримнинг сирасорларини ўргатиб келяпман. Бундан ташқари, келинчақлар учун мунчоқдан сумкалар тўқийман. Қўлларимни ишлатишга қийналганим учун сал кўпроқ вақт кетади. Лекин қизиқиш бўлса, ҳаммасини эпласа бўлар экан. Ногиронлигим бор, деб ҳаракатсиз ўтиришни ўзига муносиб кўрмаган қаҳрамонимиз ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўтмоқда. Кўрик-танловлардаги иштироки ўзига бўлган ишончи-

ни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. У гул ясаш йўналиши бўйича вилоят миқёсида 2-ўринни қўлга киритган. Давлатимиз уни ёлғизлатиб қўйгани йўқ. 2019 йилда Маликаҳонга Қувасой шаҳар “Пакана” маҳалласидан 2 хона-ли уй берилди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда ижтимоий ҳодим ассистенти ҳар кун ишдан хабар олиб, ёрдамлашиб келмоқда.


Нурбек МИРЗАЕВ,
журналист.

Ўзбекистон миллий жамоаси собиқ яримҳимоячиси **САНЖАР ТУРСУНОВ** фаолиятини яқунлаганини эълон қилди.



Осиё Кубоги U-20: Ўзбекистон Яман ва Индонезияни мағлуб этиб, мuddатидан аввал **ЧОРАКФИНАЛГА ЙЎЛ ОЛДИ.**

НОДИР ЭЛИБОЕВ футзал бўйича Ўзбекистон миллий жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди.



8

№13 | 2025 йил 19 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

БАДАНТАРБИЯ

Бадминтон – патли копток (волан) ракетка билан уриб ўйналадиган спорт ўйини. У теннис ўйинига ўхшаш. Бироқ унинг ракеткаси теннис ракеткаси вазнига қараганда 2-3 марта енгил.

БАДМИНТОН – ТАНАНИ СОҒЛОМ, ЗЕХНИЯТНИ ЎТКИР ҚИЛАДИ

Ўйин тўртбурчакли майдончада (яккама-якка учрашуларда майдонча ўлчови 13,4x5,2 метр ва жуфтли ўйинларда 13,4x6,1 метр) 155 сантиметр баландликда тортилган тўрда ўтказилади. Ўйин давомида рақиблар ракетка билан волан (патли коптокча)ни ерга туширмай тўрдан ошириб, рақиб томонига қайтардилар. Очко (хол)лар сони худди волейболдагидек 15 гача саналади. Аёллар ва болалар 11 очко (хол)гача ўйнайди. Ўйин 3 ёки 5 партия (хур)дан иборат бўлади. Яхши ўйинчи воланни уриб

қайтарганда, уни рақиб майдонига гоҳ секин тушириши, гоҳ рақиб кутмаган жойга тушириши мумкин. Ўйин жуда шиддатли, кескин ва тез ўтади. Бадминтонни яланглик, майсазор, чўмилиш жойларида ўйнаш мумкин.

Бадминтон спортчидан фақат ҳаракатни эмас, балки мантикий фикрлашни, вазиятни олдиндан кўра билишни талаб қилади.

Айниқса, доим компьютер экрани ёки смартфонга тикилиб вақт ўтказувчи болаларга жуда фойдали.

Чунки ўйин давомида кўз мушаклари ишлагани учун кўзининг кўриш қобилиятини яхшилайди. Шунингдек, стратегик фикр юри-

тиш ҳамда тезкор жавоб қайтариш учун фойдали. У билан шуғулланган бола чаққонликка, эччилликка, барча ҳаракатни зудлик билан англаб, шунга яраша жавоб қилишга ўрганади. Бу, ўз навбатида, диққатни жамлашга, тушунлиқдан қутулишга ёрдам беради.

Дарҳақиқат, бадминтон ўйини бизда кенг оммалашмаган бўлса-да, унинг саломатликка фойдаси бекиёс.

Аввало, вазни камай-тиришга ҳамда ортиқча ёғлардан халос бўлишга ёрдам беради. Чунки бу ўйин кўп жисмоний ҳаракатлардан иборат. Бир соатлик машғулот давомида 400-550 калорияни йўқотиш мумкин. Бу барча спорт турлари орасида энг юқори натижа ҳисобланади. Агар бадминтон билан мунтазам шуғулланилса, бир ойда 4 килограмм вазндан халос бўлиш мумкин.

Энг асосийси, барча мускуллар ҳаракатга келиши натижасида ортиқча ёғлардан қутулишга ёрдам беради. Бунинг натижасида юрак мускуллари фаол ишлайди, юрак хуружи хавфининг олди олинади. Табиий терлаш натижа-

сида танадаги токсинлар йўқо-тилади, моддалар алмашинуви яхшиланади. Янада соғлом ва кўркам бўлишга замин яратилади.

Яна бир фойдаси – ўпка фаолиятини яхшилайди.

Ушбу спорт тури билан шуғулланганда бурун йўллари очилиб, нафас олиш осонлашади. Шунингдек, у фаол жисмоний машғулот бўлгани учун жигардаги ҳар қандай маҳсулотлар келтириб чиқарган қондаги ортиқча қанд миқдорини камайтиришга ёрдам беради.

Энг муҳими, ушбу спорт билан шуғулланиш натижасида соғлом турмуш тарзига ўргана-сиз. Мароқли дам олиш, тиниб

ухлаш, фаолроқ ва ғайратлироқ бўлишга ўргатади. Натижада кундалик ишларни муваффақиятли амалга оширасиз. Жисмоний жиҳатдан кучлилик, диққатни жамлаб олишга кўникиш эса мия фаолиятининг самарали ишлашини таъминлайди.

Шерзод ОЛИМОВ, Спорт вазирлиги бўлим бошлиғи.



ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Янгибой ЮСУПОВ, Қашқадарё вилояти:

– *Халқимизда асрлар давомида шаклланиб келган бир одат бор: эшонларга бошқа инсонларга нисбатан жуда катта ҳурмат билан муносабатда бўламиз. Айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида бу ҳолатга кўп бора дуч келиш мумкин. Айтинг-чи, Ислом динида бу борада қандай тартиб белгиланган?*

ЭШОНЛАРГА ҚАНДАЙ ҲУРМАТ КЎРСАТАМИЗ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

– Пайғамбар авлодлари “саййид” дейилади. Саййид – ўзбек тилида хўжа, улў, мустақил, ҳукмдор, жаноб маъноларида келади (“*Ўзбек тилининг изоҳли луғати*” 3-жуз). “Эшон” форс, тожик тилларидан олинган бўлиб, “улар” маъносиде келади. Айрим ўзбеклар орасида хўжалар – туралар ҳам дейилади. Саййидлар, хўжалар ва эшонларга пайғамбар авлодлари сифатида қараш одат бўлган.

Охир замон пайғамбари, сарвари коинот Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳақда шундай марҳамат қилганлар: “**Эй одамлар, Албатта, сизнинг Роббингиз бирдир. Албатта, сизнинг отангиз бирдир. Албатта, арабнинг аямдан фазли йўқ, аямнинг арабдан фазли йўқ, қизилни қорадан, қорани қизилдан афзаллиги йўқ. Фақатгина тақво ила (Аллоҳ ҳузурнда) устунилик боради**”.

Ушбу ҳадисда бутун инсониятнинг Роббиси якка-ягона эканлиги ҳамда уларнинг оталари битта, яъни Одам Ато бўлгани айтилмоқда. Одам Ато эса туپроқдан яратилган. Шундай экан, кибр-ҳаво, мактанчоқлик, фахр туйғусига берилмаслик керак. “Арабнинг аямдан афзаллиги йўқ” ибораси илоҳий мезонга кўра, ҳеч бир шахснинг ва миллатнинг бошқасидан устунилик тарафи йўқ эканлигини англатади. Яъни барчалари бу борада тенгдирлар. Фақатгина афзаллик Аллоҳдан кўрқиб билангина бўлади. Ким Аллоҳдан кўпроқ кўркса, ўша киши фазилатда ортиқ бўлади.

Бундан келиб чиқадикки, инсонлар наслу насабда кимнинг авлодлари бўлишларидан қатъи назар, Аллоҳ таолодан кўрқиб, Унинг буюрганларини сўзсиз бажариб, шариатда қайтарилган ишлардан тийилишлари лозим.

СОҒЛОМ ВА УЗОҚ УМР КЎРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

МАСЛАХАТ

Ҳар бир инсон юз ёшга етиб, неваре ва чевараларининг улғайишини кўришни орзу қилади. Нафақат узоқ умр кўриш, балки кексаликни бахтли, соғлом, кучга тўла ҳолда кутиб олиш муҳим. Бироқ кексаликда инсон организмиде ҳаёт сифатини ёмонлаштирадиган табиий ўзгаришларга дуч келади. Шу сабаб, соғлом қариш ва узоқ умр кўриш учун қуйидаги тавсияларга амал қилиш зарур.

Нилуфар ҒОИПОВА, терапевт, олий тоифали шифокор.

1. Тўғри овқатланиш. Кунига камиде 5 марта овқатланинг. Рационингиздан аччиқ, ёғли, шўр овқатларни чиқариб ташланг. Ширинлик истеъмолини минимал даражага туширинг. Кунига камиде 500 грамм мева ва сабзавотлар енг. Иммуниетте тизимини мустаҳкамлаш учун рационингизга кальцийга бой бўлган сут маҳсулотлари, баъзи баргли сабзавотлар: остеопорознинг олдини олиш учун магний, фосфор ва “Д” витамини бўлган; юрак-қон томир тизими ва мия ҳолатини меъёрда сақлаш учун таркибиде тўйинмаган ёғлар, айниқса, Омега-3 бўлган маҳсулотларни кўшинг. Қайнатилган ёки буғда пиширилган таомларни кўпроқ истеъмолад. Ўтишдан олдин овқатланманг.

2. Жисмоний фаоллик. Катта ёшлилар кунига ҳеч бўлмаганда ярим соат

ҳаракатда бўлиши керак. Тоза ҳавода пиёда сайр қилиш, велосипедда юриш ва сузиш тананинг кўплаб аъзолари ва тизимларини соғлом ҳолатда сақлашга ёрдам беради. Асосийси, мунтазам равишда шуғулланиш керак. Жисмоний фаоллик юрак-қон томир тизимининг ҳолатини яхшилайди, суякларни мустаҳкамлайди ҳамда уларга қон ва кислород етказиб беришни рағбатлантириш орқали мия хужайраларини соғлом ҳолда сақлайди.

3. Қатъий тартибга риоя қилиш. Доим бир вақтда уйғониш, бадантарбия қилиш, овқатланиш ва уйкуга ётишга ҳаракат қилинг. Кунига камиде 8 соат ухланг.

4. Ижтимоий фаол бўлиш. Қариндошлар, дўстлар ва яқинлар билан мулоқот қилиш, қизикарли тадбирлар, кўргазмалар, театрларга бориш соғлом ва узоқ умр кўришнинг муҳим таркибий қисмидир. Ёлғизлик саломатликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

5. Хобби. Боғдорчилик, китоб ўқиш, қўл меҳнати билан шуғулланиш ёки ёқимли мусиқани тинглаш каби сеvimли машғулотларингизга вақт ажратинг.



6. Ёмон одатлардан воз кечиш. Юрак, қон томирлар ва ўпканинг энг жиддий касалликлари чекиш билан боғлиқ, спиртли ичимликлар эса барча тизимлар ва органларга зарар келтиради.

7. Саломатлик ҳолатини мунтазам текшириб туриш. Вазн ва бел айланаси меъёридан ошиб кетмаслигига эътиборли бўлинг. Юзага келиши мумкин бўлган касалликларни эрта ташхислаш учун ҳар йили шифокор кўригидан ўтиб турунг. Қон босими, холестерин ва қондаги шакар миқдорини кузатиб бориңг. Сурункали касалликларингиз бўлса, мунтазам керакли текширув ва даволанишдан ўтинг. Кўриш ва эшитиш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш учун куёшнинг ультробинофша нурланишдан ўзингизни асранг ва шовқинли жойларга борманг.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчам — 380x587, 4 б.т. 8 645 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-220

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.